

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ САРДОРБЕК АМИНЖОН ЎҒЛИ

**БИРЛАМЧИ ТИЗИМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА
ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ражабов Сардорбек Аминжон ўгли

Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр
бузилишларнинг клиник-неврологик ва
патоморфологик ўзаро боғлиқлиги..... 3

Ражабов Сардорбек Аминжон угли

Взаимосвязь клиинико-неврологических
и патоморфологических цереброваскулярных
нарушений при первичных системных заболеваниях..... 27

Rajabov Sardorbek Aminjon ugli

Clinical, neurological and pathomorphological
relationship of cerebrovascular disorders
in primary systemic diseases 51

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ САРДОРБЕК АМИНЖОН ЎҒЛИ

**БИРЛАМЧИ ТИЗИМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА
ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд 2024

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.sammu.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джурабекова Азиза Тахировна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махкамова Наргиза Уткуровна
Тиббиёт фанлари доктори

Айтен Мамедбейли
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти.

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№._____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, в.в.б доцент

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда цереброваскуляр касалликлар (ЦВК) замонавий неврологиянинг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммосидир, чунки бу касалликлар дунёнинг деярли барча мамлакатларида касалланиш, ўлим ва ногиронлик бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...мия цереброваскуляр касалликларидан ўлим барча юрак-қон томир касалликларининг 25-30% ни ташкил этади...»¹ шунингдек ўлимнинг барча сабабларининг 12% ни ташкил қилади. Шу муносабат билан тизимли қизил югурик (ТҚЮ) фонида цереброваскуляр патологияни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш ҳамда самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш тобора муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ТҚЮ билан оғриган беморларда цереброваскуляр касалликларнинг кечиши, клиник кўринишлари, олдини олиш ва даволашнинг оптимал усуллари аниқлаш учун илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу сабабли, беморларнинг ушбу тоифасидаги мия ҳужайралари ва томирлари ишемик шикастланишининг патогенетик механизмининг муҳим бўғини бўлган бирламчи тизимли касалликлари бўлган беморларнинг неврологик ҳолатига этиопатогенетик, клиник-неврологик ва нейровизуал омилларларнинг таъсирини таҳлил қилиш керак. Тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг клиник, неврологик, макроструктуравий аҳамиятини қиёсий жиҳатдан баҳолаш, бундай беморларни ташхислаш ва даволаш, ушбу патологиянинг ўзига хос белгиларини аниқлаш ва эрта ташхис қўйишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва мавжуд усуллари такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...юқумли бўлмаган касалликлар ривожланиш омилларини, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хавф остидаги гуруҳга кирадиган беморлар орасида диспансеризация ва скрининг-тадқиқотларни, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш, реабилитация тиббиётини ривожлантириш, «уйда стационар» хизматини кенгайтириш орқали эрта аниқлаш...»² каби вазифалар белгиланган. Шу сабабли, кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга ва беморларнинг ҳаёт сифатини уларнинг тўлиқ қайта ижтимоийлашуви билан яхшилашга йўналтирилган, беморларни олиб боришнинг оптимал тактикасини танлаш мақсадида ТҚЮ билан касалланган беморларда цереброваскуляр бузилишлар кечишининг клиник ва неврологик хусусиятларини аниқлаш, эрта ташхис

¹ World Health Organization WHO 2019. URL: <http://www.who.int/bulletin/volumes/96/ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони»

кўйиш ва даволашни оптималлаштириш долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»³ каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ТҚЮ касаллигида ногиронлик туфайли ижтимоий-иқтисодий зарар сўнгги йилларда кўпаймоқда, касалликнинг прогнози ёмон бўлиб қолмоқда.

Ҳар йили 1 миллион аҳолидан ТҚЮ билан боғлиқ боғлиқ цереброваскуляр касалликлардан 7 нафаргача бемор вафот этиши қайд этилмоқда (Исмаилова Р.Р., Замонова Э.С., 2020). ТҚЮнинг ҳар бир хуружи, касаллик кечишининг фаоллашиши, марказий асаб тизимига зарар етказиш билан таҳдид қилади (Lau C.S., Mak A., 2009). Аммо баъзи ҳолларда ТҚЮ билан касалланган беморлар эътиборсиз ва адекват неврологик терапиясиз қоладилар, бу ТҚЮ билан касалланган беморларда бош миёда қон айланишининг сурункали ва ўткир бузилишларининг тарқалишини оширади, бу эса юқори ногиронлик омили ҳисобланади (Daria A., Amuza Z., 2014).

Аутоиммун жараённинг пайдо бўлишида гормонал, генетик ва иқлим-экологик омиллар комбинацияси иштирок этади (Тоиров Э.С., 2019; Исаева Б.Г., 2021). ТҚЮдаги бириктирувчи тўқима касаллиги оғир неврологик асоратлар ва ўлимга олиб келади, ЖССТ маълумотларига кўра ТҚЮ билан касалланган янги ҳолатларнинг частотаси аҳолининг 0,02% ни, аёллар ва эркеклар нисбати 9,5:0,5 ни ташкил қилади (Ревчук Л.С., 2011; Дикул В.И., 2020; Цибрий К.С. 2020). Шундай қилиб, ТҚЮга чалинган беморларда цереброваскуляр бузилишлар кечишининг клиник ва неврологик хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганиш профилактика чораларини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнайди.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 012000260-сонли “Инсонларнинг юкумли ва юкумли бўлмаган этиологияли ижтимоий аҳамиятга эга касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2020-2023).

Тадқиқотнинг мақсади: Тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда ўлим ҳолатларида интрасцеребрал қон томир тизими ва мия тўқималаридаги структуравий ўзгаришларга қараб, цереброваскуляр бузилишлар кечишининг клиник ва неврологик хусусиятларини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш ва даволашни оптималлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. ТҚЮ билан касалланган беморларда клиник ва неврологик бузилишлар кечишининг хусусиятлари ва вариантларини, шунингдек бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ривожланиши учун энг муҳим хавф омилларини аниқлаш;

2. Цереброваскуляр бузилишларнинг табиатига қараб ТҚЮ билан касалланган беморларда динамикада биомаркерлар, нейровизуализация ва инструментал параметрлар ўртасидаги корреляцияни ўрнатиш;

3. ТҚЮ билан касалланган инсултдан вафот этган беморларда қон томир тизимининг адаптацион қайта тузилишини ҳисобга олган ҳолда цереброваскуляр бузилишларнинг патоморфологик мезонларини баҳолаш;

4. Аниқланган натижаларидан фойдаланган ҳолда цереброваскуляр патологиянинг клиник ва неврологик кўриниши бўлган ТҚЮ билан касалланган беморларни комплекс даволашни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси Ревматология бўлимида стационар даволанган ТҚЮ билан касалланган 102 бемор, бир хил ёш ва жинсдаги 40 нафар соғлом одам, 33 нафар ТҚЮдан ўлим ҳолати.

Тадқиқотнинг предмети. Клиник-неврологик, нейровизуализация, инструментал ва лаборатория тадқиқот усулларининг натижалари эди.

Тадқиқотнинг усуллари: Клиник ва неврологик тестлар (MoCA шкаласи, MMSE, 10 сўз шкаласи, Шульте шкаласи, Спилберг-Ханин шкаласи), нейровизуализацион тадқиқот усуллари (бош мия MRT, КТ ангиографияси), инструментал усуллари, лаборатория таҳлили (S100 β оксиди), морфологик кесма материали натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда клиник неврологик, нейровизуализацион, инструментал параметрлар ва лаборатория биомаркерлари орқали ташхислаш асосланган;

клиник-неврологик, нейровизуализацион ва инструментал кўрсаткичлар лаборатория биомаркерларининг параметрлари ва тизимли қизил югурик билан оғриган беморларда цереброваскуляр ўзгаришларнинг неврологик

текшируви далиллар базаси ва қўлланилган тадқиқот усулларининг аҳамияти билан исботланган;

илк бор тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда бош миёда қон айланишининг ўткир бузилишидан келиб чиққан ўлимдан кейинги ҳолатларда бош миё қон томир тизимидаги патоморфологик параметрларини аниқланган;

тизимли қизил югурик касаллиги кечиш фаоллигининг қиёсий аспектида неврологик клиника ва қон томир тизимини ҳар томонлама баҳолаш асосида цереброваскуляар бузилишларни даволаш ва олдини олиш учун комбинацияланган терапия такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ТҚЮ билан касалланган беморларда бош миёда қон айланишининг сурункали ва ўткир бузилишининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишни оптималлаштирилган усуллари тавсия этилди;

асосий касалликнинг асоратлари, оғирлигини аниқлаш имкониятини берувчи дастлабки клиник-неврологик бузилишларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий клиник, инструментал, нейровизуализацион ва лаборатория тадқиқот усуллари билан тасдиқланган, текширилган беморларнинг етарли сони, олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш учун оқилона усуллар тўплами, ТҚЮ билан оғриган беморларда цереброваскуляар касалликларни ташхислаш ва олдини олиш усулларини оптималлаштириш, шунингдек тадқиқот натижаларини клиник ва неврологик параллелларни ўрганиш соҳасидаги халқаро ва маҳаллий адабиётлар билан таққослаш, тузилган хулосаларнинг асослилиги ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланган далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари асосида олинган натижалар.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизимли қизил югурик касаллигининг дастлабки босқичларида миё шикастланишининг патогенезини акс эттирувчи клиник-нейровизуализацион, инструментал маълумотлар ва лаборатория тадқиқотлари кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда иштирок этадиган S100 β оқсилени аниқлаш.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда ушбу биомаркерларни бош миёда қон айланишининг ўткир ва сурункали бузилишлари прогнози ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни баҳолаш учун қўшимча эрта мезон сифатида қўллаш имкониятини бериб, беморларни олиб боришнинг адекват тактикаси, шунингдек диагностика, даволаш ва профилактик тадбирлари сифатини яхшилаш чораларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд Давлат тиббиёт университети эксперт кенгашининг 2024-йил 23-феврал 14-сон хулосасига кўра:

Илмий янгиликнинг моҳияти: тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда клиник неврологик, нейровизуализацион, инструментал

параметрлар ва лаборатория биомаркерлари орқали ташхислаш асосланган *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ТҚЮ касаллигининг барча ҳолатларида асаб тизимининг турли даражадаги зарарланиши, цефалгик синдром 78%, вестибуло-атактик синдром 65%, астено-депрессив синдром 83% кўринишидаги дастлабки белгиларга эга бўлиши; пайдо бўлиш частотаси бўйича иккинчи ўринда дисциркулятор энцефалопатия II ва III даражаси ва бош миёда қон айланишининг сурункали бузилиши белгилари билан келувчи неврологик бузилишлар (яъни сурункали цереброваскуляр зарарланишлар) 56%, марказий асаб тизимининг энг оғир зарарланишлари, бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ривожланиши, шунингдек қонда S100 β оқсили миқдорининг ошиши кузатилади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник-неврологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлиги бўйича олиб борилган тадқиқот ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Ромитан туман тиббиёт бирлашмасида 16.04.2023 йилдаги 89-сонли ҳамда 16.04.2023 йилдаги 90-сонли буйруқ ва Жиззах вилояти Шароф Рашидов туман тиббиёт бирлашмасида 28.04.2023 йилдаги 331 а - сонли ҳамда 331 б - сонли буйруқ асосида тиббиёт бирлашмаси бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* ТҚЮ билан касалланган беморларда МРТ текширувининг аниқлик даражаси 93,1%, брахиоцефал томирларнинг ултратовуш доплерографияси 76,8% ва қонда S100 β оқсили миқдори 95,7% ни ташкил этиб, бунда ТҚЮ билан касалланган беморларда улардан фойдаланиш зарурлигини асослайди, шунингдек эрта ва аниқ ташхислаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: ТҚЮ билан касалланган беморларда клиник неврологик, нейровизуализацион, инструментал параметрлар ва лаборатория биомаркерлари ўрганилиши ва бунинг натижасида касалликни эрта ташхислаш орқали даволаш самарадорлигини оширишга эришилган ва ётоқ кунини уртача 3 кунга қисқартиришга эришилди 1 нафар бемор ҳисобида 382500 сўм (клиника прејскуранти бўйича 1 кунлик тушак куни 127500 сўмни ташкил қилади) иқтисод қилинган. *Хулоса:* ТҚЮ билан касалланган беморларда айтиб ўтилган диагностика жараёнида касаллик ва унинг асоратларини эрта ташхислаш самарадорлиги оширилиши натижасида беморларнинг шифохонада даволаниш вақтини камайтириш имкониятини берган. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* «Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник-неврологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлиги» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 10-февралдаги № 1010-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: клиник-неврологик, нейровизуализацион ва инструментал кўрсаткичлар лаборатория биомаркерларининг параметрлари ва тизимли қизил югурик билан оғриган беморларда цереброваскуляр ўзгаришларнинг неврологик текшируви далиллар базаси ва қўлланилган

тадқиқот усулларининг аҳамияти билан исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ТҚЮ билан оғриган беморларда клиник неврологик, МРТ, S100 β оксиди текширувларидан фойдаланиш цереброваскуляр бузилишларни эрта ташхислаш ва инсултларни профилактика қилиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник-неврологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлиги бўйича олиб борилган тадқиқот ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Ромитан туман тиббиёт бирлашмасида 16.04.2023 йилдаги 89-сонли ҳамда 16.04.2023 йилдаги 90-сонли буйруқ ва Жиззах вилояти Шароф Рашидов туман тиббиёт бирлашмасида 28.04.2023 йилдаги 331 а - сонли ҳамда 331 б - сонли буйруқ асосида тиббиёт бирлашмаси бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* таклиф этилган текширув усуллари ТҚЮ билан оғриган беморларда цереброваскуляр бузилишларни эрта ташхислаш ва шу сабабли инсултларни профилактика қилиш ва ногиронлик кўрсаткичини пасайтириш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* таклиф этилган текширув усуллари ТҚЮ билан касалланган беморларда цереброваскуляр бузилишларни эрта ташхислаш ва шу сабабли касаллик асоратларини хусусан инсултларни профилактика қилиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобида умумий харажатларни ҳисобга олган ҳолда 3 кунга ётоқ ва дори-дармонлар ҳисобига 802500 сўм (дори дармонларга нисбатан сарф-харажатлар 140 000 сўм) ни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ТҚЮ билан касалланган беморларда цереброваскуляр бузилишларни эрта ташхислаш ва касаллик асоратларини хусусан инсултларни профилактика қилиш ва шу сабабли келиб чиқадиган ногиронлик миқдорини камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* «Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник-неврологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлиги» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 10-февралдаги № 1010- сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор ТҚЮ билан касалланган беморларда бош миёда қон айланишининг ўткир бузилишидан келиб чиққан ўлимдан кейинги ҳолатларда бош миё қон томир тизимидаги патоморфологик параметрларини аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Морфологик жиҳатдан бош миё томирларида дастлаб эндотелийси шикастланиб, дистрофия ва деструкцияга учрайди, кейин базал мембрана ва эластик толали қаватида мукоид ва фибриноид бўкиш ривожланади. Бу эса иммунопатологик яллиғланишга айланиб боради ва артериолалар, прекапиллярлар ва венулаларда дастлаб экссудатив-некротик ва геморрагик яллиғланиш, кейин лимфопрлифератив яллиғланиш, пролифератив васкулит, тромбоз ва гиалиноз ривожланади. Миё тўқимасида кўп сонли микроинфарктлар, майда ўчоқли қон қуйилишлар аниқланади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник-неврологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлиги

бўйича олиб борилган тадқиқот ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Ромитан туман тиббиёт бирлашмасида 16.04.2023 йилдаги 89-сонли ҳамда 16.04.2023 йилдаги 90-сонли буйруқ ва Жиззах вилояти Шароф Рашидов туман тиббиёт бирлашмасида 28.04.2023 йилдаги 331 а - сонли ҳамда 331 б - сонли буйруқ асосида тиббиёт бирлашмаси бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* ТҚЮ билан касалланиб, бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши натижасида вафот этган беморларда бош мия қон томирлари ва мия тўқимасини патоморфологик текшируви цереброваскуляр бузилишларни патогенетик даволашни оптималлаштириш ва уларнинг асаратларини камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: касалликнинг асоратларини камайтириш ҳисобига 1 нафар беморга 1 кунда касалхонадан ташқари реабилитацияси учун 210000 сўмни иқтисод қилиш самарадорлигини берди. Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги биргина асоратларни камайтириш ҳисобига 1 нафар бемор учун умумий иқтисодий самарадорлик 2100000 сўмни ташкил қилди. *Хулоса:* ТҚЮ билан касалланган беморларда цереброваскуляр бузилишларни патогенетик даволашни оптималлаштириш туфайли касаллик асаратларини камайтириш ва реабилитацияга сарфланувчи ортиқча харажатларни камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* «Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник-неврологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлиги» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 10-февралдаги № 1010- сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: ТҚЮ касаллиги кечиш фаоллигининг қиёсий аспектида неврологик клиника ва қон томир тизимини ҳар томонлама баҳолаш асосида цереброваскуляр бузилишларни даволаш ва олдини олиш учун комбинацияланган терапия такомиллаштирилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Терапияни тавсия этилган комбинацияланган даволаш усуллари билан оптималлаштириш, ўз вақтида ва етарли даражада Сермион (Ницерголин) препарати қўшилиши билан анъанавий яллиғланишга қарши муолажаларни қўллаш неврологик асоратларни барқарорлаштиришга, астеник ва когнитив касалликларнинг ривожланишини секинлаштиришга ёрдам беради, шунингдек Сермион препаратининг буйрак, ўпка ва периферик қон томирларини протекцияловчи таъсири ҳисобига бошқа соматик касалликларни даволашни ҳам оптималлаштиришга ёрдам беради беморларни стационар даволаш вақтини 3,3 кунга қисқартиришни таъминлади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник-неврологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлиги бўйича олиб борилган тадқиқот ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Ромитан туман тиббиёт бирлашмасида 16.04.2023 йилдаги 89-сонли ҳамда

16.04.2023 йилдаги 90-сонли буйруқ ва Жиззах вилояти Шароф Рашидов туман тиббиёт бирлашмасида 28.04.2023 йилдаги 331 а - сонли ҳамда 331 б - сонли буйруқ асосида тиббиёт бирлашмаси бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* ТҚЮ билан касалланган беморларда ананавий даво терапиясига ўз вақтида ва етарли даражада Сермион (Ницерголин) препарати қўшилиши неврологик асоратларни барқарорлаштиришга, астеник ва когнитив касалликларнинг ривожланишини секинлаштиришга ёрдам беради, S 100 β оксигени нейропротексиянинг асаб тўқималарига таъсирини кўрсатди, бу ТҚЮ билан касалланган беморларда цереброваскуляр касалликларнинг дастлабки босқичларида шикастланишнинг олдини олади, ўз навбатида касалхонада даволаниш вақтини $9,33 \pm 0,64$ дан $6,05 \pm 0,24$ кунгача қисқартиришга имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: 1 нафар беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий кўрсаткичлар: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 9-10 кундан 6 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдорини 1 нафар бемор ҳисобида 802500 сўмга камайтирди (прейскурантга кўра шифохонада 1 кун қолиш 127500 сўмни ташкил қилади); 1 кунга ўртача 140 000 сўм дори воситаларини иқтисод қилишга эришилди. Юқоридагиларга кўра жами йиллик иқтисодий самарадорлик асосий гуруҳ беморлар ҳисобида 48952500 сўмни ташкил этади. *Хулоса:* тадқиқот натижалари асосида асосий хулосалар ва тавсиялар турли даражадаги тиббиёт муассасаларида ТҚЮ билан касалланиб цереброваскуляр бузилишлар кузатиловчи беморларни диагностика қилиш ва даволашда қўлланилиши учун тавсия этилган дастур ва алгоритмдан иборат тактикалар натижаларини яхшилаш ҳамда даводан кейинги реабилитация даврини ва узоқ муддатда касалликнинг қайталаниш хавфини камайтиришга имкон беради. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* «Бирламчи тизимли касалликларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник-неврологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлиги» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ проректори томонидан 2024 йил 10-февралдаги № 1010- сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3-таси республика ва 2-таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм – фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амлий аҳамияти, чоп этилган тадқиқот натижалари ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** номли биринчи бобида нейролюпуснинг этиологияси ва патогенезини, цереброваскуляра касалликларнинг клиник ва неврологик кўринишларининг хусусиятлари ва тизимли қизил югурик билан оғриган беморларда ташхисини ўрганиш бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш натижалари, шунингдек, клиник ва неврологик табиатни ўрганиш ва тизимли қизил югуриқдан ўлим ҳолатларини патоморфологик таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Диссертациясининг **“Тадқиқотнинг материал ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган материал ва тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида 2019-2024-йилларда ўтказилди. Биз ревматология бўлимида стационар ва амбулатор даволанаётган тизимли қизил югурик билан касалланган 102 нафар беморни текширдик, улардан 88 нафари аёллар (86,3%) ва 14 нафари эркеклар (13,7%). Беморларнинг ўртача ёши $30,5 \pm 10$ ёшни ташкил этди. Тадқиқот ёши ва жинсига мос келадиган 40 нафар соғлом одамни ва ТҚЮда бош миёда кон айланишининг ўткир бузилиши туфайли 33 та ўлим ҳолатини ўз ичига олди.

ТҚЮ диагностикаси ревматология бўлими мутахассислари билан биргаликда Америка ревматологлар жамияти (1999) мезонларига мувофиқ амалга оширилди. ТҚЮ EULAR/ACR (2019) таснифлаш мезонларига мувофиқ амалга оширилди. ТҚЮ нинг дастлабки босқичида энг сезгир ва ўзига хос кўрсаткичларни солиштириш учун клиник неврологик текширув ўтказишда SLICC мезонлари (2012) ишлатилган. Барча текширилган беморлар лаборатория текширувлари, параклиник тадқиқотлар (ултратовуш, МРТ, КТ ангиографияси), офталмолог, кардиолог, уролог ва психиатрнинг кўшимча консултациясидан ўтказилди. Миё тўқималарининг шикастланишдаражасини баҳолаш учун ИФА ёрдамида қондаги S100 β оксилени аниқлаш ўзига хос маркер сифатида ишлатилди. Беморларнинг психоневрологик ҳолатини баҳолаш MMSE, MoCA, Лурия “10 сўз”, Шульте, Спилберг-Ханин шкаласи ёрдамида амалга оширилди.

Патоморфологик ўрганиш учун 2013-2023-йилларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган ТҚЮ туфайли ўлим ҳолатларининг 33 та кесма кузатуви материал сифатида олинди, улардан 6 эркеклар, 27 аёллар.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Microsoft Office Excel 2016 дастури ва STATISTIKA13.0 дастурининг статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Ҳисобланган

мезонларнинг статистик ишончилигини баҳолаш учун қабул қилинадиган аҳамият даражалари (P) учун критик қийматлар кўрсаткичлари ва жадваллари ишлатилган.

Диссертация ишининг «**Шахсий тадқиқот натижалари**» номли учинчи бобида тизимли қизил югурик билан оғриган беморларда цереброваскуляр касалликларнинг клиник ва неврологик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш маълумотлари, цереброваскуляр патологияни кучайтирувчи типик ва ўзига хос омилларнинг хусусиятлари, психоневрологик ва когнитив бузилишларни баҳолаш натижалари, мия структурасининг хусусиятлари ва қон билан таъминланиш даражаси, шунингдек, беморларда S100 β оқсили даражасини аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Сомато-клиник симптомларни ўрганишда тери симптомлари биринчи ўринни эгаллади (100%), улардан 100% ҳолларда ёноқлардаги эритематоз тошмалар, 52% да - тўрсимон кўкаришлар ва 68% - диспоген тошмалар, 92% ҳолларда бўғим-мушак синдроми, 86% да - буйрак шикастланиши, 72% - фотосенсибилизация, 67% - лимфаденопатия ва 53% - юрак шикастланиши аниқланган. (1-жадвал).

1-Жадвал

ТҚЮ билан касалланган беморлар текширувидаги сомато-клиник симптомлар (ARJ, 1997)

№	Асосий касаллик бўйича Белгилари	102 бемор		Назорат 40 соғлом		P
		Абс	%	Абс	%	
1	Тери симптомлари	102	100,0	8	20,0	p<0,05
	Тўрсимон кўкаришлар	52	51,0	3	7,5	p<0,05
	Ёноқлардаги тошмалар	102	100,0	0	0	p<0,05
	Диспоген тошмалар	68	66,7	5	12,5	p<0,05
2	Оғиз бўшлиғидаги яралар	62	60,8	0	0	p<0,05
3	Аллопеция	31	30,4	4	10,0	p<0,05
4	Бўғим-мушак синдроми	92	90,2	2	5,0	p<0,05
5	Юракнинг зарарланиши	53	52,0	1	2,5	p<0,05
6	Буйраклар зарарланиши	86	84,3	3	7,5	p<0,05
7	Лимфоаденопатия	67	65,7	1	2,5	p<0,05
8	Фотосенсибилизация	72	70,6	2	5,0	p<0,05
9	Қон кўрсаткичлари					
	Лейкопения	40	39,2	3	7,5	p<0,05
	Лимфопения	57	55,9	2	5,0	p<0,05
	Тромбоцитопения	50	49,0	1	2,5	p<0,05
	Анемия	40	39,2	3	7,5	p<0,05

Изоҳ: p<0,05 - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг аҳамияти

ТҚЮ билан оғриган беморларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник ва неврологик кўринишларини таҳлил қилганда, шикастланишнинг табиати ва неврологик ўзгаришлар белгиларига қараб уч гуруҳга бўлинган, баъзи ҳолларда ўзига хос субъектив белгиларга эга полисиндром кўриниш

аниқланган, бошқа ҳолларда аксинча, марказий асаб тизимининг органик шикастланишлари устунлик қилади (2-жадвал).

2-Жадвал

Гуруҳлар бўйича ТҚЮ билан касалланган беморларда клиник ва неврологик кўринишлар

№	Кўрсаткичлар	I гуруҳ n=42		II гуруҳ n=40		III гуруҳ n=20		Назорат. соғлом. n=40		p
		абс	%	Абс	%	Абс	%	абс	%	
1.	Касалликнинг давомийлиги	3 йил		3-10 йил		>10 йил		0		p<0,05
2.	SLEDAI индекси бўйича касалликнинг фаоллиги (балл)	9±5		18±6,1*		20±4.0*		2±2		p<0,05
3.	Бўғим-мушак симптомлари	37	88	36	90	19	95	2	5	p<0,05
4.	Буйрак етишмовчилиги	31	73,8	35	87,5	20	100	3	7,5	p<0,05
5.	Цефалгия	20	47,6	26	65	18	90	2	5	p<0,05
6.	Бош айланиши	15	35,7	19	47,5	16	80	1	2,5	p<0,05
7.	Эмоционал лабиллик	30	71,4	33	82,5	20	100	6	15	p<0,05
8.	Депрессия	26	61,9	31	77,5	19	95	0	0	p<0,05
9.	Чарчок	26	61,9	34	85	17	85	1	2,5	p<0,05
10.	Диққатнинг бузилиши	17	40,5	24	60	18	90	3	7,5	p<0,05
11.	Эпилептик хуружлар	0	0	16	40	4	10	0	0	p<0,05
12.	Беихтиёр ҳаракатлар (хорея каби)	0	0	1	2,5	2	10	0	0	p<0,05
13.	Конвергенсия бузилиши	6	14,3	17	42,5	11	55	0	0	p<0,05
14.	Бурун-лаб бурмасининг текисланиши	3	7,1	15	37,5	17	85	0	0	p<0,05
15.	Тил девиацияси	4	9,5	13	32,5	12	60	0	0	p<0,05
16.	Томонларда рефлекслар фарқи	3	7,1	16	40	16	80	0	0	p<0,05
17.	Патологик рефлекслар (Россолимо рефлекси)	0	0	4	10	8	40	0	0	p<0,05
18.	Статолокаматор атаксия	4	9,5	17	42,5	15	75	0	0	p<0,05
19.	Гемигипестезия	5	11,9	7	17,5	14	70	0	0	p<0,05
20.	геморрагик типда БМҚАЎБ	0	0	0	0	14	70	0	0	p<0,05
21.	ишемик типда БМҚАЎБ	0	0	0	0	6	30	0	0	p<0,05
22.	Вертебробазилляр ҳавза ТИА	0	0	0	0	10	50	0	0	p<0,05
23.	Каротид ҳавзада ТИА	0	0	0	0	6	30	0	0	p<0,05
24.	Субарахноидал қон қуйилиши	0	0	0	0	4	20	0	0	p<0,05

Эслатма: * - p<0,05 - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг аҳамияти


Тизимли қизил югурик билан оғриган беморларда цереброваскуляр патологияни кучайтирувчи омилларнинг хусусиятларини ўрганишда гипокинезия (77,4%), ортиқча вазн (69,6%) ва гиперхолестеринемия (60,7%) каби омилларнинг устунлиги аниқланди; бошқа омилларнинг улуши аҳамияти кам эди. (3-жадвал).

3-Жадвал

Тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда цереброваскуляр касалликнинг ўзига хос хавф омиллари (n=102)


Кўрсаткичлар	Беморлар миқдори	
	абс	%
Гипокинезия	79	77,4
Ортиқча вазн	71	69,6
Гиперхолестеринемия	62	60,7
БСА зарарланиши,	35	34,3
булардан:		
стенотик зарарланиши	16	15,7
Артериал гипертензия	30	29,4
I босқич	12	11,7
II босқич	22	21,6
III босқич	67	65,7
Юрак касалликлари (ТҚЮ билан боғлиқ бўлмаган)	28	27,4
бундан:		
ҳилпилловчи аритмия	11	10,8
Қандли диабет	2	1,96

ТҚЮ билан боғлиқ омиллар асосан асосий касалликнинг фаоллиги, давомийлиги ва лаборатория параметрларига боғлиқ эди. Шундай қилиб, ТҚЮ давомийлигига қараб, 3 йилгача муддатли касаллик тарихи бўлган беморларда мия дисфункцияси белгилари 41,1% ҳолларда, 3 йилдан 10 йилгача - 63,1% ҳолларда, 10 йилдан ортиқ вақт давомида қайд этилган ўткир цереброваскуляр ривожланиши аниқланган, шундан мияда қон айланишининг ўткир бузилиши - 70%, ТИА - барча ҳолатларнинг 30% ни ташкил этди (1-расм).




1-Расм. Касалликнинг давомийлигига қараб ТҚЮ билан касалланган беморларда сурункали мия қон айланиши бузилишининг белгилари

ТҚЮ кечишига қараб, статистик маълумотларга кўра, миёда қон айланишининг бузилиши 79,9% ҳолларда, асосан ТҚЮ сурункали кечишида ривожланган (2-расм).



2-Расм. Касалликнинг кечиши турига қараб ТҚЮ билан касалланган беморларда сурункали миёда қон айланишининг бузилиши (%)

ТҚЮ фаоллиги даражасига қараб, I даражадаги беморларнинг 60 %ида марказий асаб тизимининг бузилишининг бошланғич субклиник белгилари, 30 % ида I даражали дисциркулятор энцефалопатия белгилари ривожланган. ДЭ билан оғриган беморларнинг юқори фоизи ТҚЮ фаоллигининг иккинчи даражасида кузатилди, бу ерда I босқич ДЭ 59% ва II босқич 48% да қайд этилган (3-расм).



3-Расм. Касалликнинг фаоллик даражасига қараб ТҚЮ билан касалланган беморларда бош миёда қон айланишининг сурункали бузилиши

Психоневрологик ва когнитив бузилишларнинг қиёсий таҳлилини ўтказишда энг паст кўрсаткичлар III гуруҳ беморларида аниқланди, бу когнитив функциялар ва психо-эмоционал ҳолатдаги жиддий бузилишлар мавжудлигини кўрсатади (4-жадвал).

4- Жадвал

ТҚЮ билан касалланган беморларда ўтказилган текширув натижасидаги психо-неврологик шкала кўрсаткичлари (n=102)

№	Кўрсаткичлар (балл)	n=102			Назорат. соғлом. n=40	P
		I гуруҳ n=42	II гуруҳ n=40	III гуруҳ n=20		
	MoCA	24±2	22±3,5	19±2,1	27±2	P<0.05
	MMSE	27,1±1	23,5±1,3	20,1±1,7	28±1,7	P<0.05
	Шульте	47,8±13,3	50,6±14,5	69±13,5	35±5	P<0.05
	Спилберг-Ханина	30±2	42±2	45±2	28±2	P<0.05

ТҚЮ нинг цереброваскуляр асоратларида мия тузилмалари ҳолатини ўрганишда миядаги энг жиддий ўзгаришлар беморларнинг II ва III гуруҳларида кузатилган (5-жадвал). Шундай қилиб, I гуруҳдаги беморларда 49,9%, II гуруҳда 78,6% ва III гуруҳда 100% ҳолларда лейкоареоз худудлари аниқланган.

5-Жадвал

ТҚЮ билан касалланган беморларда МРТда структуравий ўзгаришлар даражаси (n = 102)

Кўрсаткичлар	I гуруҳ n=42		II гуруҳ n=40		III гуруҳ n=20		Назорат. соғлом. n=12		p
	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	
Субарахноидал бўшлиқнинг кенгайиши	15	35,7	40	100	20	100	0	0	p<0,05
Ён қоринчаларнинг кенгайиши	10	23,8	21	52,5	20	100	2	5	p<0,05
III қоринчанинг кенгайиши	7	16,7	12	30	18	90	1	2,5	p<0,05
IV қоринчанинг кенгайиши	6	14,2	16	40	20	100	0	0	p<0,05
Лейкоареоз	21	50	31	77,5	20	100	0	0	p<0,05
Бош мия пўстлоқ қаватининг Атрофияси	22	52,3	28	70	20	100	0	0	p<0,05

I (6-жадвал) ва II гуруҳлардаги (7-жадвал) беморларнинг магистрал томирларини ангиографик ўрганиш ва дуплекс сканерлашда асосий артерияларда мия қон оқимининг (Vps) назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада пасайиши аниқланди (p <0,05).

6-Жадвал

**ТҚЮ I гуруҳи бўлган беморларда бошнинг асосий артерияларини
дуплекс сканерлаш параметрлари (n = 42)**

	Ўнг томондан		Чап томондан	
	ТҚЮ I гуруҳ n=42	Назорат гуруҳ n=40	ТҚЮ I гуруҳ n=42	Назорат гуруҳ n=40
Умуртқа артериялари	25,9±4,0	43,2±2,0	24,2±3,0	45,0±1,5
Умумий уйқу артерияси	39,8±6,8	45,9±1,9	55,3±3,3	65,69±10.3

Эслатма: $p < 0,05$ - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг аҳамияти


7-Жадвал

**ТҚЮ II гуруҳи бўлган беморларда бошнинг асосий артерияларини
дуплекс сканерлаш параметрлари (n = 40)**

	Ўнг томондан		Чап томондан	
	ТҚЮ II гуруҳ n=40	Назорат гуруҳ n=40	ТҚЮ II гуруҳ n=40	Назорат гуруҳ n=40
Умуртқа артериялари	25,6±1,0	35,2±1,5	19,0±1,0	36,8±1,5
Умумий уйқу артерияси	37,9±1,0	44,8±1,5	38,5±1,0	62,5±10.3


Эслатма: $p < 0,05$ - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг аҳамияти

ТҚЮ билан оғриган беморларда S100 β оксигени даражасини аниқлашда унинг бўлимга келган пайтида қон зардобдаги концентрацияси қуйидагича эди: I гуруҳ беморларида ўрганилаётган оксиген миқдори нормадан биров ($0,24 \pm 0,05$ мкг/л) ошган, аммо сезиларли даражада эмас, ўртача қийматларга тўғри келди. II гуруҳ беморларида оксиген индекси I гуруҳдаги беморларга нисбатан баланд ($0,35 \pm 0,05$ мкг/л), III гуруҳдаги беморларнинг кўрсаткичларига ($0,49 \pm 0,05$ мкг/л); ($p < 0,01$). Назорат гуруҳидаги соғломларда ($0,19 \pm 0,05$ мкг/л, $p < 0,05$).




4-Расм. ТҚЮ билан касалланган беморларда S100 β оксигени миқдори

Патоморфологик тадқиқот натижаларига бағишланган диссертациянинг тўртинчи бобида ТҚЮ билан оғриган беморларда мия тузилмаларининг шикастланишларини ўлимдан кейинги патоморфологик текшириш натижаларини баҳолаш келтирилган. Бош миянинг турли худудлардан олинган қон томирлари ва мия тўқималарининг намуналарини ўргандик. 33 беморнинг 27 нафари (81,2%) аёллар ва 18-31 ёшдаги (ўртача ёши 21,6 ёш). Аутопсияни ўтказиш учун 19 та материал субкортикал соҳадан, 22 таси кортикал соҳадан, 16 таси гипоталамусдан, 19 таси миячадан олинган. Мия пўстлоғининг микроскопик текшируви шуни кўрсатдики, ТҚЮ билан оғриган беморларда асосий патоморфологик ўзгаришлар қон томирларининг деворларида кузатилган, яъни артериялар, артериолалар, прекапиллярлар ва капиллярлар. (5-расм а-д).



5-Расм. а) Бош мия пўстлоқ қавати артериоласи, қатламлари тўлиқ деформацияланган, лимфoid инфильтрация пайдо бўлган, эластик толалари мукоид ва фибриноид бўкишига учраган. б) Мия тўқимаси пўстлоқ қаватидаги прекапилляр томир, ичида плазма оқсиллари тўпланганлиги, атрофида лимфoid инфильтрация пайдо бўлганлиги кузатилади. с) Бош мия пўстлоқ қават майда томирлари Вейгерт усулида бўялиши. Эластик толалар шишига учраган, титилган, айрим жойлари узилган. Бўёқ: Вейгерт усули бўйича. Кат: 10x40. д) Бош мия пўстлоқ қавати капиллярлари, тўқима ва ҳужайра тузилмаларининг гистотопографик жойланиши бузилганлиги, атрофида мия моддасида шиши ривожланганлиги кузатилади. Бўёқ: G-E. Кат: 10x40.


Паравентрикуляр зона ҳолатини микроскопик текширишда бу зонадаги артериялар, артериолалар ва венулаларнинг шикастланиши аниқланган (6- расм а-д).



6-Расм. а) Паравентрикуляр соҳа, артериола девори тўқима ва хужайра тузилмалари бетартиб жойлашган, атрофида шиш ва лимфоид инфильтрация пайдо бўлган. б) Паравентрикуляр соҳа. Вентуланг ёрилиши, мия тўқимасига майда ўчоқли периваскуляр қон қуйилиши. с) Паравентрикуляр соҳа. Капилляр девори ва атрофида лимфоид инфильтрация пайдо бўлган, бўшлигида эритроцитлар деворига адгезияланган. д) Паравентрикуляр соҳа. Прекапилляр артериола ва капилляр девориде коллаген толаларнинг жойланиши ва аутоиммун жараён оқибатида ўзгариши. Бўёқ: G-E. Кат: 10x40.


Гипоталамусни микроскопик текшириш натижалари шуни кўрсатдики, деярли барча артериялар ва артериолалар деворлари қаттиқ дисорганизация туфайли қалинлашган ва деформацияланган. Шу билан бирга, артериолаларнинг ички юзаси нотекис, эндотелий дегенерацияланган ва бўртиб кетган, базал мембрана шилимшиқ-фибриноид, бириктирувчи тўқима толалари шишган ва гомогенлашган, толаларнинг эластик қатламига туташган ва хиралашган ва бир хил ҳолатдаги эозин қуюқ рангли хом оқсилга айланган (7а-расм). Гипоталамуснинг веноз томирларини микроскопия қилиш натижасида бу касалликда венулалар ва посткапилляр венулалар кескин кенгайганлиги, тўлдирилганлиги, деворлари юпқалашгани, баъзи жойларда улар мўрт бўлиб, қон периваскуляр соҳага оқиши аниқланган (7б-расм). Гипоталамуснинг паравентрикуляр ядроси капиллярларга бой бўлиб, уларнинг деярли барчасида қизил қон таначаларининг турғунлиги кузатилади, шиш туфайли нерв хужайралари турли ўлчамларга эга,

ситоплазма ва ядро сиқилади, лекин шишмайди (7с-расм). Гипоталамуснинг айрим жойларида прекапилляр ва капилляр қон томирлари кучли лимфоид инфилтрация билан қопланган (7д-расм).



7-Расм. а) Гипоталамус, артериолалар девори тўлиқ дистрофия ва дезорганизацияга учраган, периваскуляр соҳасида кучли шиш ривожланган. б) Гипоталамус, вена томирлари кескин кенгайиб, қон тўлиб, атрофига қон қуйилган, нерв ҳужайралари шиш ҳисобига сиқилиб, бўжмайган. с) Гипоталамус паравентрикуляр ядроси, капиллярларга бой, уларда эритроцитлар стази, мия моддаси шишга учраган, нерв ҳужайралар ўлчамлари шиш ҳисобга ҳар хил катталиқда. д) Гипоталамус, прекапилляр ва капиллярлар девори ва атрофида лимфоид инфилтрат пайдо бўлган. Бўёқ: G-E. Кат 10x40.

ТҚЮдан ўлган беморларнинг миёчасини микроскопик текшириш пайтида унинг гистотопографик тузилиши учта қатламдан иборатлиги аниқланди: донадор, Пуркинъе ҳужайралари ва молекуляр қатлам. Шу билан бирга, прекапилляр деворининг эндотелиал ҳужайралари бироз гипертрофияланган ва гиперхроматик бўлиб, базал мембранада зич жойлашган. Базал мембрананинг ўзи шишади ва гелга ўхшаш ҳолатдан донадор ҳолатга ўтади, бунинг натижасида унинг ўтказувчанлиги кучаяди, суюқлик девор орқали томир деворига атрофдаги тўқималарга сизиб чиқади, натижада периваскуляр шиш пайдо бўлади.



